

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqib boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Долзарб
90 кун

Куннинг муҳим воқеалари



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан шу кунларда давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Боку шаҳрида Олий давлатларaro кенгашининг иккинчи йиғилиши ва бошқа олий даражадаги тadbирлар бўлиб ўтмоқда.

Уларда Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида кооперация ва алмашинувларни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Президенти 4 июль куни Хонкенди шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммитида иштирок этади ва қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилади.



Қуйидаги QR кодни сканер қилинг ва воқеалар ривожини билан батафсил танишинг.

Ёз – мактаб ўқувчилари учун узок кутилган таътил, эркинлик, ором ва бегубор дамлар, дарсликсиз тонг, белгиловчисиз кун, синовларсиз дам олиш фасли. Шу билан бирга, ўқитувчилар учун ҳам руҳий ва жисмоний тикланиш, оилавий ҳаётга қайтиш, соғлиқни тиклаш, илмий изланишларга шўнғиш имконияти. Афсуски, кейинги йилларда бу мавсум «ҳисобот фасли»га айланапти. Яъни айни пайтда мактаблар ёзда ҳам фаолият юртияпти. Таълим даргоҳларида «Долзарб 90 кунлик» деб аталувчи тadbирлар пешма-пеш ўтказиб келинапти – ўзига хос таълимсиз таълим, дарсиз дарс жараёнлари...

ТАЪЛИМСИЗ ТАЪЛИМ, ДАРССИЗ ДАРСЛАР

ЁХУД ЁЗГИ ТАЪТИЛ ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ ФАСЛИМИ ЁКИ ҲИСОБОТ ДАВРИ

«ДОЛЗАРБ 90 КУНЛИК» НИМА УЧУН КЕРАК?

Ўзбекистон таълим тизимида ҳар чорақда ёки мавсумда турли йўналишларда ўқувчиларни ижтимоий, маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий тарбиялашга қаратилган дастурлар ўтказиб келинади. «Долзарб 90 кунлик» ҳам аслида мақсадли, хайрли ниятдаги ташаббус – ёшларни салбий иллатлардан ҳимоя қилиш, уларни бўш вақтини мазмунли ўтказиш, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш, тарбиявий муҳитни мустаҳкамлашдан иборат.

Бу тadbирлар доирасида ўқувчилар билан турли маърифий учрашувлар, спорт мусобақалари, китобхонлик беллашувлари, ҳуқуқий саводхонлик дарслари, соғлом турмуш тарғиботи ўтказилади. Албатта, мазмун жиҳатдан булар фойдали. Вақтни ғанимат билиб, салбий муҳитдан холи ҳолда, ўқувчини ижтимоий фаолликка чорлаш долзарб масала. Аммо бу уларнинг ташкил этилишида

кузатилаётган шаклпарастлик, сунъийлик ва расмиятчилик кишини ўйга толдирмоқда.

ЁЗ – БОЛАНING ҲАҚИҚИЙ ЭҲТИЁЖИ

Педагогик қарашларга кўра, бола йилда бир марта психологик тикланиш, ижодий ўсиш учун эркин муҳитга муҳтож бўлади. Демак, у ёзда ўз дунёсига шўнғиши, аτροφ-муҳит билан мулоқотда бўлиши, ота-онаси билан вақт ўтказиши, янги қизиқишлар кашф этиши жоиз. Таътил бу – руҳий тикланиш воситаси.

Лекин мазкур лойиҳа доирасида айрим жойларда ўқувчилар дарсга чақирилаётгандек мажбурий равишда тadbирларга жалб қилинмоқда. Уларга иштирок дафтарлари тутқазилади, расмлар, видеолар талаб қилинади. Вақтида келмаган, тadbирларда иштирок этмаган болаларнинг ота-онасига мактабдан кўнгирок бўлмоқда. Бу боланинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Аслида эса бола ёзда истаса спорт тўғарагага ёзилиши, истаса расм чиқиши, хоҳласа табиат кўйида юриб, ҳаёт ҳақида ўйлаши лозим. Бу ўз ҳолича ривожланиш шакли дейилади. Ҳар бир болага бир хил шаблон керак эмас, уларга эркин танлов имконияти берилиши зарур.

ЎҚИТУВЧИ – ҲИСОБОТ ТОПШИРУВЧИ ЭМАС

Шу каби тadbирлар, энг аввало, ўқитувчиларга ортқича юк бўлиб тушмоқда. Расмий қонунчиликда педагогик ходимларга йилга 56 кун (8 ҳафта) меҳнат таътили белгиланган. Бу уларга иш фаолияти давомида тўп-ланган жисмоний ва руҳий зўриқишни бартараф этиш имкониятидир. Лекин ёзда навбатчилик, тadbирлар ташкил этиши, расмларни жамлаш, ҳисобот топшириш, гувоҳномаларни тайёрлаш каби ишлар билан ўқитувчи доимий олд. Баъзи ҳолларда бу мажбурий тус олмақда.

Ўқитувчи ёзда илмий мақола ёз-

син, янги методик қўлланмаларни ўрганиб, билимини оширсин, тажриба алмашсин, энг муҳими, оиласига вақт ажратсин – бу унинг сифатли ишлашига хизмат қилади. Лекин дам олишнинг ўрнига доимий «ҳисоботли фаолият» унга нафақат чарчоқ, балки бифарқлики ҳам келтириб чиқаради. Ва бу энг хавфли жараён.

ТАДБИРЛАР – ҚОҒОЗ УЧУН ЭМАС, ҚАЛЬ УЧУН БЎЛСИН

«Долзарб 90 кунлик» аслида ҳар бир мактаб жамоасига ижодий ёндашув имконини берувчи майдон бўлиши лозим. Аммо бу тadbирлар рақамли ҳисоботга, суратли далилларга, сунъий рақобатга айланиб қолмаслиги керак. Ҳар бир фаолият боланинг ҳақиқий эҳтиёжидан, ўқитувчининг юрагидаги фидойилиқдан келиб чиқсин. Акс ҳолда, бу жараёнлар навбатдаги «режани бажариш» кампаниясига айланиб, ҳеч қандай натижа бермайди.

Бунинг ўрнига ҳар бир мактаб ўз худуди, ижтимоий шароити, ўқувчилар

эҳтиёжидан келиб чиқиб, мослашувчан, эркин тadbирлар режаси тузиши керак. Ёзи тadbирлар ҳисоботдан йироқ, ижодга яқин бўлиши лозим.

Гапнинг индаллоси, ёз – эркинлик фасли бўлиб қолиши зарур. Зеро, ёз ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам режалар, дафтарчалар, ҳисоботлар билан тўлган мавсум эмас. Аксинча чин маънода эркин, самимий, қувончли дамлардир. «Долзарб 90 кунлик» тadbирлари эса шунчаки режани бажариш воситаси эмас, балки инсоний қадриятларни ёритувчи маънавий майдон бўлиши керак.

Дарслардан чарчаган бола, юк-малардан толиқиб қолган ўқитувчи учун ёз – руҳга бериладиган янги нафасдек гап. Улар бу даврни расмиятчиликсиз, инсоний ёндашув билан ўтказишга тўла ҳақли. Шундай қилсак, мактаб ҳаётини ҳақиқатан ҳам, маънавият манбаига айлантираемиз.

Хуршида НИШОНОВА,
ўқитувчи

1211 ЭШИТАДИ...

ИЗЛАГАН ИМҚОН ТОПАДИ


Шуқр, мамлакатимиз тинч ва осойишта. Ўз ҳаётини йўлга қўймоқчи бўлганлар учун барча шарт-шароитлар бор. Кишидан фақат озгина кунт ва ҳаракат бўлса, кифоя. Бу баландпарвоз гаплар эмас – айни ҳақиқат!

Нарпайлик Гулшан Рашидова табиатан «берсанг – ейман, бермасанг – ўламан», дейдиганлар хилидан эмас. Ўз меҳнати билан оёққа туришни истади. Шу мақсадда елиб-югуради. Рўзгорнинг кам-кўстини тўлдиришга ҳаракат қилади. Мана, яқинда унда чорва боқиб, қўшимча даромад олиш истаги туғилди. Аммо қорамол сотиб олишга ортқича пул қани, дейсиз.

Маҳалла масъуллари аёлнинг ниятидан хабар топиб, уни бажонидил қўллаб-қувватлади, яъни унга имтиёзли кредит олиши учун тавсия беришди. Г.Рашидова ҳужжатларни тўллаб, «Халқ банки»нинг туман бўлимига топширди. Аммо кредитдан ҳадеганда дарак бўлмади. Шундан сўнг унинг қайнонаси Рая Рустамова Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 1211 «Ишонч телефони»га сим қоқди.

Шундан сўнг Гулшан Рашидованинг ягона электрон платформаси орқали йўллаган аризаси ижобий ҳал этилиб, имтиёзли кредит ажратилди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИДА КУНУ ТУН ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИГАН

12-11

қисқа
рақамли
«Ишонч
телефони»,
яъни
«Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида,
олис ва чекка қишлоқларида
яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари
бўйича исталган вақтда
муурожаат қилишлари мумкин.

КАСАБА УЮШМА АРАЛАШГАЧ...

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, АММО...

Тунни кунга улаб меҳнат қилсанг-у, шунга яраша ҳақ ололмасанг, алам қилар экан. Мутасаддиларга қилинган муурожаатлар эътиборсиз қолавергач, шифокорлар умид билан касба уюшмаларига юзландилар.

2025 йил 17 март куни фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди тўрт нафар шифокор – Обиджон Рафиқов, Садриддин Турғунов, Жобирбек Нишонов ва Азимжон Шералиевнинг даъвосини қисман қаноатлантирди. Аммо жавобгар – Наманган тумани тиббиёт бирлашмаси уларнинг тунги навбатчиликда ишлаган вақтлари учун иш ҳақи тўлашни рад этди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Меҳнат инспекциясининг Наманган вилояти бўйича инспектори Абдурашид Реджаповнинг таъкидлашича, иш берувчи ҳақиқатда ишланган соатларга ҳақ тўламаган.

– Масалан, Ж.Нишоновга 1 289 соат, О.Рафиқовга 1 118 соат, А.Шералиевга 1 313 соат, С.Турғуновга эса 579 соат тунги навбатчилик учун ҳақ тўланмаган, – дейди инс-



пектор. – Бу ҳолат Меҳнат кодексига зид, чунки тунги меҳнат учун камида бир ярим баробар ҳақ тўлашиши керак. Ходимлар бу қарордан норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судига муурожаат қилишди. Шундан сўнг апелляция инстанциясининг ажрими билан фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2025 йил 25 мартдаги ҳал қилув қарори бекор қилинди.

Янги ҳал қилув қарори билан На-

манган тумани тиббиёт бирлашмасидан О.Рафиқовга 11 миллион 796 минг сўм, С.Турғуновга 6 миллион 642 минг сўм, Ж.Нишоновга 13 миллион 185 минг сўм ва А.Шералиевга 14 миллион 645 минг сўм иш ҳақлари ундириладиган бўлди.

Садриддин ҒАЙБОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгаши Меҳнат инспекцияси
Наманган вилояти бўйича
меҳнат инспектори

ҚАЛЬ ОҒРИФИ ВА РУҲ ҲОРҒИНЛИГИ: УЛАР СИЗНИ ЕНГМАСИН

4-саҳифада ўқинг...





**ДИҚҚАТ
МАРКАЗИДА**



Фикримизни Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши конференцияси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Дастлаб Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Гулноза Тошпўлатова 2021-2025 йиллар давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

— Бу даврда тиббиёт ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди, — деди Гулноза Тошпўлатова. — Натижада меҳнатқашлар манфаатлари билан боғлиқ 400 дан ортиқ масалалар муҳожама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бугунги кунда тармоқ касба уюш-

маси Тошкент шаҳар кенгаши 144 минг 70 нафар аъзони бирлаштирган. Ҳисобот даврида аъзолар сафи 13 минг 897 нафарга ошган. Шу вақтда келиб тушган 110 минг 234 та оғзаки ва ёзма мурожаатнинг 66 минг 132 таси қаноатлантирилган, 42 минг 603 таси бўйича тушунтиришлар берилган.

26 минг 339 нафар ходимнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатлари ҳимояланиб, уларга 30 миллиард 114 миллион сўм миқдордаги иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ундириб берилишига эришилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишида меҳнат-техник инспектори томонидан 115 та тиббиёт муассасаси ўрганилган. Тармоқ тизимидаги муассасаларда ишлаб чиқаришдаги жараҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган 5 минг 938 та тадбир амалга

**ИНСОН
МАНФААТЛАРИ**



оширилган. 3 минг 134 та иш ўрни меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказилган.

Ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда касба уюшмаси кўмиталари раисларининг етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳисобот даврида Федерация Уқув марказида ўтказилган ўқув-семинарларда 44 нафар кўмита раисининг билими оширилди. Федерациянинг малака ошириш институтида эса 63 нафар касба уюшмаси фаоллари масофавий ўқув курсларида ўқитилди. Тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ташкиллаштирилган сайёр ўқув-семинарларда 32 нафар кўмита раислари ҳамда ғазначилари билими

мустаҳкамланган бўлса, тармоқ касба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув-семинарларда 217 нафар етакчи ва фаоллар малакаси оширилди.

Конференцияда сўзга чиққан делегатлар кенгашнинг ўтган ҳисобот давридаги фаолиятига қониқарли баҳо бердилар. Шундан сўнг Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди ва делегатлар томонидан тасдиқланди.

Тармоқ ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси сайлов жараёнлари яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиб, сайлов натижаларига кўра кўпчилик овоз билан Гулноза Тошпўлатова қайта сайланди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши, Тафтиш комиссиясининг таржиблари ва тафтиш комиссияси раиси ҳам сайланди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳоджон Ханапиев, Республика кенгаши раиси ўринбосари Гўзал Тўхтаева, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Ботир Исабеков соҳа ходимлари манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигини кенг нишонлашда амалга оширилаётган тизимли ишлар тўғрисида сўз юритишди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Мамбуот
хизмати раҳбари

ТАҲЛИЛ

Хабарингиз бор, май-июнь ойларида касба уюшмаларининг туман, шаҳар ва ҳудудий бўлинмаларида ҳисобот-сайлов конференциялари қизғин тарзда ўтказилди. Ушбу машвараатлар ортга назар ташлаб, амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил этиш, шу билан бирга, яна қандай масалаларга эътиборни кучайтириш зарурлиги тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиш, галдаги устувор вазифаларни самарали амалга оширишда қайси жиҳатларни назардан қолдирмаслик лозимлигини аниқ белгилаб олиш имконини берди.

СПАРТАКИАДА

СПОРТ – СОҒЛИҚ ГАРОВИ



Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидagi ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилиб келаётган ёшлар орасида «Саломатлик – 2025» спартакиадаси уюштириди.

Тошкент иқтисодиёт университетининг спорт мажмуа-

сида бўлиб ўтган мусобақада қатнашчилар шахмат, шашка, стол тенниси бўйича ўзаро беллашдилар.

Кескин ва муросасиз кечган баҳсларда ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Комил МУРОДОВ

ТАДБИР

ИНТЕЛЛЕКТ БАҲСИ




Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, билимини ошириш ҳамда улар ўртасида жамоавий руҳни юксалтириш мақсадида Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ тизимидаги ёшлар ўртасида «Бизнес-Куиз» интеллектуал ўйинига старт берди.

Чемпионат бир марталик тадбир бўлиб қолмай, балки жорий йилнинг июнидан 2026 йилнинг май ойигача давом этади. Финал босқичи «Ўзбекистон энергетика ҳафталиги – UZEW 2026» доирасида ўтказилиши режалаштирилган.

Куни кеча чемпионатнинг биринчи босқич ўйинлари бўлиб ўтди. Унда тармоқ тизимида фаолият ривожини таъминлаш кўрсаткичи бўлиб топган 22 та жамоа иштирок этди.

Қизгин ва муросасиз баҳс-мунозараларга бой бўлган ўйинларда «LUKOIL Uzbekistan Operating Company» жамоаси биринчилигини қўлга киритди. Ўз навбатида «UzGasTrade» МЧЖ ва «Uzbekneftegaz» АЖ жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни банд қилди.

Ғолиб ва совриндор жамоалар тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.



Юлдуз АДИЛОВА,
Фотиما БОБОҚУЛОВА,
Энергетика,
нефть-газ ва геология
ходимлари касба
уюшмаси Республика
кенгаши раисининг
хотин-қизлар ва ёшлар
масалалари бўйича
маслаҳатчилари

...Етакчини хонасидан топа олмадик. Сўраб билдикки, у кўмак сўраб, мурожаат қилган ходим олдида кетган. Фарғона тумани тиббиёт бирлашмаси касбақўм раиси Ҳилолахон Раҳмонова тумандаги саломатлик посбонларининг ишонган тоғи. Эл соғлиғи йўлида меҳнат қилиб келаётган муассаса ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга кўмакдош бўлиш етакчининг асосий вазифасига айланган.

Бирор ходимнинг бошига мушкул иш тушса, кўмакка эҳтиёж сезса ёхуд ҳуқуқлари бузилса, Ҳилолахон Раҳмонова дарҳол ёрдамга ошиқади. Шунинг учун ҳам аъзоларнинг бундай ишларидан доимо миннатдор.

— Шифохонада даволанаётган беморлар тезроқ соғайиб кетишлари учун ҳамкасбларимиз фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар, — дейди Ҳилолахон. — Иш бевуҷи билан бир-

ҲАР БИР АЪЗО ЭЪТИБОРДА



галиқда уларни қўллаб-қувватлаш, ўз вақтида дам олишлари, муносиб шaroитларда ишлашлари, сиҳаттоҳларда ҳордиқ чиқаришлари учун бор имкониятларни ишга сояла-

миз. Касба уюшмалари томонидан берилаётган йўлнамалар асосида ишчи-ҳодимлар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тасарруфидagi сўлим сиҳаттоҳларда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтмоқдалар. Бундан ташқари, улар Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива каби тарихий шаҳарларга саёхатга олиб борилмоқдалар.

**ЕТАКЧИНING
БИР КУНИ**

Ходимлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилиши хайрли анъанага айланган. Бу ҳам тиббиёт ходимларининг мароқли дам олишлари, кунлари мазмунли ўтиши учун ҳизмат қилмоқда. Моддий жиҳатдан қийналган, кўмакка эҳтиёжманд ходимлар касба уюшмаси эътиборидан четда қолган эмас. Бундай пайтларда касба уюшмаси кўмитаси уларга суянчи бўлмоқда. Қолаверса, ҳар янги ўқув йили арафасида кам таъминланган ходимларнинг фарзандларига ўқув қуроллари олиб бериш ҳам эзгу ишларнинг узвий қисмига айланган.

Қисқаси, аҳоли саломатлиги йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш доимо касба уюшмасининг диққат марказида. Бундай эътибор эса уларнинг сидқидилдан ишлашлари учун рағбат бўлмоқда.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»

АЁЛЛАРНИ ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА РУҲЛАНТИРДИ

САЙЁР ЙИГИЛИШ



Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тизимида ҳудудий хотин-қизлар кенгашлари раислари, ҳамкор ташкилотлар ҳамда соҳа фаоллари иштирокида сайёр йиғилиш бўлиб ўтди.

Айни вақтда тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда 92300 нафардан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилиб келмоқда. Уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини қароқотлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тармоқ ўқув муассасаларида эса 35578 нафар талаба қиз таълим олмоқда. Йиғилишда

бу каби жиҳатлар айтиб ўтилиб, корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларида хотин-қизлар учун қўшимча имтиёз ва қароқотлар юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Нодира Ғойибназарова Барқарор ривожланиш соҳасидаги 5-мақсад – Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ислохотлар самарадорлиги, иш жойларида хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, уларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш, бу борада жамоатчи-

лик назоратини олиб боришда касба уюшмаларининг роли, ишлайдиган хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш борасида тизим бошланғич ташкилотларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

Иштирокчилар тармоқ корхона ва ташкилотларида аёллар учун яратилаётган меҳнат шaroитлари, меҳнат ҳуқуқларини таъминлашдаги имтиёз ва қароқотлар тақдим этилишидаги муаммолар ва камчиликлар, уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни ўртага ташлаб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Бир сўз билан айтганда, ўтказилган тадбир аёлларни юксак натижаларга руҳлантирди.

Ўз муҳбиримиз

ОЛТИН АВЛОД ҚАЛБИДА ОЛОВЛАНГАН ТУЙҒУЛАР

Президентимизнинг Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимдаги нутқи жамиятимизда катта акс-садо берди. Ушбу нутқ нафақат байрам табриги, балки ёшларнинг бугунги куни ва келажакдаги ўрни, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича белгиланган стратегик вазифаларнинг яққол ифодаси бўлди.

ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН: КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таълим ва илм-фан соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, «илм – тарбия – инновация» занжирини яратишга киришилгани ва бу ҳаракатлар бугун аниқ натижалар бераётганини таъкидлади. Мисол тариқасида, ўтган йили юртимиз ёшларининг ТОП-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллагани, шунингдек, илк бор ТОП-5 таликдаги олийгоҳларга кириб, тарихий натижа қайд этганлари қувонч билан қайд этилди.

Бугунги кунда 30 нафар ёшлар дунёнинг ТОП-10 талик, 500 нафари ТОП-100 ва 1 минг 500 нафари ТОП-300 талик университетларда тахсил олмақда. Нутқда Гарвард, Пенсилвания, Чикаго университетларига 100 фоиз грант асосида ўқишга кирган Жа-сурбек Умаров, Рухшона Собирова, Асилбек Ашуров каби ёшлар мисол қилиб келтирилди. «Яқин-яқингача умрини пахта даласида ўтказган оддий оила фарзандлари илмда, спортда, бошқа соҳаларда бундай юксак марраларни эгаллашгани тасаввур қилиш ҳам қийин эди», дея эришилган натижаларнинг тарихий аҳамиятига ургу берилди.

Мамлакатимизда ёшларга сифатли таълим ва тарбия бериш, замонавий касб ва хунарлар, хорижий тилларни ўргатиш, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун зарур шароитлар яратиш энг асосий вазифамиз ва бурчимизга айланган. Шу мақсадда, «Гарвардчилар» мактаби, яъни Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро мактаб очилди. Бу муассасага ҳар йили 3 минг нафар энг салоҳиятли ўқувчи саралаб олиниб, дунёнинг нуфузли олийгоҳларига тайёрланади, шундан камида 300 нафари эҳтиёжманд оила фарзандлари бўлади. «Таълим – келажак сармоси», деган эзгу ғоя жамиятимизда катта ҳаракатга айланмоқда.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолияти такомиллаштирилиб, ТОП-300 талик олийгоҳга кирганлар учун ўқиш ва яшаш харажати қоплаш тизими жорий этилди. Банклар энди ТОП-300 талик олийгоҳга кирган ёшларга 20 минг долларгача имтиёзли кредит беради. Буларнинг барчаси ёшларнинг билим олишга бўлган иштиёқини янада оширадиган, уларга кенг имкониятлар эшигини очадиган муҳим қадамлардир.

ЯНГИ РЕНЕСАНСНИНГ АСОСИ

Тадбирда «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 325 минг нафар ёшлар ўқитилгани, Хоразм, Қашқадарё ва Самарқандда ёшлар IT соҳасида катта даромад топишга эришаётгани эътироф этилди. Президентимизнинг «Биринчи ва Иккинчи Ренессанси буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатини сизларга бермоқда», деган сўзлари, ҳозирги ёшларнинг рақамли технологиялар асрида Учинчи Ренессанси яратишга қодир эканига ишоради. Шу йилнинг ўзида «AI Study» платформаси орқали камида 100 минг нафар ёшлар сунъий интеллект технологияларини ўрганади. Шунинг ҳисобидан сунъий интеллект соҳасида рақобатбардос ва юқори малакали мутахассисларнинг кўпайиши кутилмоқда. Мактабларда информатика ўқитувчилари Массачусетс технология институтининг сунъий интеллект таълим дастури асосида қайта тайёрланади, бу орқали беш йилда барча мактаб битирувчилари сунъий интеллект бўйича етарли билим олиши таъминланади.

«Рақамли авлод қизлари» танлови доирасида 7 минг нафар ўқувчи ва талабанин 120 та стартап лойиҳаси танлаб олинди. Бу йил камида 50 минг қиз «Рақамли авлод қизлари» лойиҳаси билан камраб олинади. Юртбошимиз компьютер ва интернет



орқали қизларнинг уйда ҳам минг долларга даромад топиши мумкинлигини таъкидлади. Стартапларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу соҳага 145 миллион доллар венчур сармоя киритилгани ва бу рақамни 1 миллиард долларга етказиш режа қилингани айтилди. Ўқувчилар учун «моҳирлик ва бизнес соати» киритилиб, уларнинг ғоясини стартапга айлантиришга 100 миллиард сўм грант ажратилади. Буларнинг барчаси ёшларнинг креатив фикрлашини рағбатлантириш, уларнинг инновацион ғояларини амалга ошириш учун замин яратади. «Янги технологиялар асрида ким ютади? Фақат креатив фикрлайдиган, замонавий билим ва касбларни эгаллаган мутахассислар ютади», деган фикр бугунги куннинг асосий шиорига айланмоқда.

МУСТАҲҚАМ ИҚТИСОДИЁТ КАФОЛАТИ

Президентимизнинг нутқида ёшларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш муҳим

масалалардан бири сифатида таъкидланди. Ёш тадбиркорлар ташкил қилган 261 та корхонанин йиллик обороти 100 миллиард сўмдан ошгани, Тошкент вилояти, Самарқанд, Андижон, Наманган ва Фарғона ёшларининг бизнесдаги натижалари пойтахтдан қолишмаётгани алоҳида қайд этилди. Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Хоразм ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича илғор ҳудудларга айлангани таъкидланди.

Ёшларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш мақсадида «Алоқабанк» ва Миллий банкка 300 миллион доллар ажратилди. Улар «Ёшлар бизнес» дастури доирасида 100 минг ёшни, «Келажакка қадам» дастури орқали 140 минг олийгоҳ битирувчисини даромадли иш билан таъминлашга масъул бўлади. Шунингдек, йил якунигача олийгоҳ, техникум, касбий таълим битирувчиларини иш беришга қўйиб беришга йўналтирилган платформани ишга туширилади. Тадбиркорлик жамоатчилиги кенгаши аъзолари – 108

нафар «чемпион» тадбиркорларимиз ўзларининг 308 та корхонаси атрофидаги мактабларга бориб, юқори синф ўқувчиларини касбга қизиқтираётгани таъкидланди.

РУҲАН БАРКАМОЛ АВЛОД

Президентимиз нутқида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини синдиришга ҳам катта эътибор қаратилди. «Сизлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз!» дея ёшларга юксак ишонч билдирди.

«Миллат фидойилари» монументини очилиши ва ушбу масканнинг ёшлар учун ватанпарварлик, мардлик ва шон-шараф мактаби экани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, «Шижоат ва ғайрат» ҳарбий-спорт мусобақаларида 244 минг нафар йигит-қиз иштирок этгани ва бу беллашувларнинг ватанпарварлик, жасорат ва жипсликни тарғиб этадиган муҳим ҳаракатга ай-

лангани қайд этилди. Буларнинг барчаси ёш авлодни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларга ахборот маконидида фойдали, мазмунли маълумотларни етказиш ва тарғиб қилиш доим эътибор марказида бўлиши зарурлигини аниқлатади. Чунки, юксак билимли, дунёқараши кенг, замонавий фикрлайдиган, технологик жиҳатдан саводхон ёшларни кўп бўлган юрtda тинчлик ва тараққиёт, ўзаро жипслик ҳаммиса барқарор бўлади.

ПОРЛОҚ УҒҚЛАР САРИ

Ўзбекистонда ёшларга оид ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилати «Ёшлар – 2030» стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторига киргани, Ёшлар тараққиёт индексида мамлакатимиз ёшлар сиёсати соҳасида энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлат, деб топилгани айтилди. Бухоро шаҳрининг «Туркий дунё ёшлари пойтахти», Тошкент шаҳрининг эса «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ёшлари пойтахти» мақomini олиши бу эътирофнинг яққол далилидир. Юртимизда ўтказилаётган Глобал ёшлар фестивалида 30 дан ортиқ давлатдан келган 300 нафардан зиёд ёшлар, 10 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда. Бундай форумлар нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё ёшлари учун самарали ҳамкорлик ва ўзаро таъриба алмашиш майдони бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз ўз нутқида ёшларга бўлган юксак ишончини яна бир бор таъкидлаб, «Сизлар илм олинг, янги-янги ғоялар беринг, кашфиёт ва лойиҳалар қилинг, изланиш ва ҳаракатдан чарчаманг! Мен сизларни доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман!» дедилар.

Бу сўзлар ҳар бир ёшнинг қалбида Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўиши иштиёқини оловлантириши шубҳасиз.

Жамила ШЕРМУҲАММЕДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, фалсафа фанлари доктори, профессор

«Ishonch» газетасининг 2025 йил 22 майдаги сонида «Қоғозда 65 000 сўм, амалда эса...» Ехуд расмий баёнотлар ҳақиқатни акс эттиряптими?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, масъуллар ҳукмига ҳавола қилинган эди. Унга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қуйидаги мазмунда муносабат билдирди:



Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда давлат томонидан қорвачилик соҳасига қаратилган йирик сармоя ва кредитлар ҳақида бир қатор хабарлар тарқалди. Айтиш керак, қорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича тасдиқланган норматив ҳужжатлар ва дастурлар доирасида сўнги 5 йилда қиймати 28,5 трлн. сўмлик 8 133 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 200 минг нафардан ортиқ доимий ва мавсумий янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, 2021 йилдан бошлаб қорвачилик хўжалиқларига субсидия маблағлари ажратилиши жорий этилиши натижасида 2021-2023 йилларда қорвачилик маҳсулотларини ўз хўжалиқларида етиштириб сотувчи 2104 та қорвачилик субъектига давлат бюджетидан 857,6 млрд. сўм субсидия ажратилди.

НАРХ МИНТАҚАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ДОИРАСИДА САҚЛАНИБ ТУРИБДИ

Бугунги кунда республикаимизда фаолият юритиб келаётган қорвачилик субъектлари сони 19 141 тани ташкил этади (2020 йилга нисбатан 126,5 фоиз). Хўжалик субъектлари сони қорамолчиликда 2020 йилда 6558 тадан 8054 тага (122,8 фоиз), қўй ва эчкичиликда 2460 тадан 3691 тага (150 фоиз), йилқичиликда 124 тадан 145 тага (117 фоиз), туячиликда 36 тадан 58 тага (161 фоиз), паррандачиликда 1061 тадан 1325 тага (124,8 фоиз), балиқчиликда 4294 тадан 5367 тага (125 фоиз), асаларчиликда 286 тадан 375 тага (131,3 фоиз) ва қўвчиликда 100 тадан 126 тага (126 фоиз) етган. Қорамолчилик хўжалиқлари сони 320 тадан 730 тага етказилди.

Бошқача қилиб айтганда, барча тоифа хўжалиқларида парваришланаётган қорамолларнинг улуши 2020 йилдаги 7 фоиздан 10 фоизга, қўй ва эчкиларнинг улуши 19 фоиздан 23 фоизга, ва паррандаларнинг улуши 41 фоиздан 54 фоизга ошишига эришилди.

Охири беш йил давомида қорвачилик хўжалиқларида парваришланаётган қорамоллар бош сони 2020 йилдаги 955 минг бошдан қарийб 1,4 млн. бошга етиб, 155 фоизга ҳамда паррандалар бош сони 57,5 млн. бошга етиб, 140 фоизга кўпайди.

Барча тоифа хўжалиқларида қорамоллар бош сони 14,4 млн. бош бўлиб, 2020 йилга нисбатан 109 фоиз, паррандалар бош сони 106,6 млн. бош бўлиб, 119 фоизга ўсган.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида йил якунида барча тоифада қорамоллар сони 14,7 млн. бошга (2024 йилга нисбатан 101,9 фоиз), қўй ва эчкилар 25,5 млн. бошга (103,9 фоиз), паррандалар 110,6 млн. тага (103,8 фоиз) етказилди, 3,1 млн. тонна (103,8 фоиз) гўшт (тирик вазнда), 13,0 млн. тонна (104,1 фоиз) сўт, 9,2 млрд. дон (104,7 фоиз) тухум ишлаб чиқарилади.

ГЎШТ ИМПОРТИ ТАҲЛИЛИ

Жорий йилнинг январь-май ойларида жами 38,3 минг тонна (156,2 млн. доллар) қорамол гўшти (жумладан, 17,9 минг тонна музлатилган – 66,6 млн. доллар) импорт қилиниб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,9 минг тоннага (72,5 млн. доллар) ёки 178 фоизга ошган.

Шунингдек, 5,9 минг тонна (5,3 млн. доллар) қўй гўшти импорт қилиниб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,8 минг тоннага ёки 2,9 баробарга ошган.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари импорти 2024 йилда 120,3 минг тонна (431,1 млн. доллар)ни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 40 фоиз ёки 56 минг тоннага ошди. Импортнинг 36 фоизи Беларусь (14 минг тонна), 28 фоизи Ҳиндистон (13,7 минг тонна), 27 фоизи Қозғистон (13,4 минг тонна), 4 фоизи Украина (1,8 минг тонна), 3 фоизи Россия (1,3 минг тонна) 3 фоизи Покистон (1,6 минг тонна) давлатларига тўғри келди.

Импорт таркибида асосан мол гўшти 42,5 фоиз (20,4 минг тонна), музлатилган мол гўшти 37 фоиз (17,9 минг тонна), қўй гўшти 12 фоиз (5,9 минг тонна), консерваланган балиқ ва гўшт маҳсулоти 4,3 фоиз (2,1 минг тонна)ни ташкил этди.

Ўтган даврда 490 тонна қиймати 1,2 млн. долларлик (422 тонна қолбаса 965 минг доллар, 29,7 тонна консерва гўшт 152 минг доллар, 37 тонна музлатилган қўв гўшти 145 млн. доллар) гўшт маҳсулотлари экспорт (Қозғистон, Россия, Корея, Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистон) қилинган.

НАРХ ТАҲЛИЛИ

Бугунги кунда марказий бозорлардаги ўртача нархлар қуйидагича:

Сўнги бир йилда инфляцияни ҳисобга олганда қорамол гўштининг таннархи 29 фоизга ва сўт 11 фоизга ўсди. Таннархнинг ошишида учта асосий омил мавжуд: озуқа харажатлари 21 фоизга (таннарх тузилишидаги улуши 60 фоиз), меҳнатга ҳақ тўлаш 12 фоизга (улуши 15 фоиз) ва электр энергия харажатлари, 90 фоизга (улуши 4 фоиз) ошган.

Озуқа харажатларида – силос 37 фоиз, пахта шроти 44 фоиз, кунгабоқар шроти 45 фоиз ва маккажўхори дони 58 фоизга ошган, умумий харажатлар ўсишига олиб келган.

Мол гўшти ўртача 1 кг. нархи 106 мингдан сотилмоқда (ўтган йилга нисбатан 136 фоизга ўсган).

Қорақалпоғистонда 92,8 минг сўм, Андижонда 106 минг сўм, Бухорода 95 минг сўм, Наманганда 116 минг сўм, Қашқадарё ва Сурхондарёда 102-110 минг сўм, Тошкентда 112 минг сўм.

Қўй гўшти ўртача 1 кг. нархи 109 минг сўмдан сотилмоқда (ўтган йилга нисбатан 135 фоизга ўсган).

Қорақалпоғистонда 86 минг сўм, Андижонда 109 минг сўм, Бухорода 97 минг сўм, Наманганда 118 минг сўм, Қашқадарё ва Сурхондарёда 106-119 минг сўм, Тошкентда 120,5 минг сўм.

Парранда гўшти ўртача 1 кг. нархи 29,6 минг сўмдан сотилмоқда (ўтган йилга нисбатан 4 фоизга пасайган).

Қорақалпоғистонда 27,7 минг сўм, Андижонда 29,5 минг сўм, Бухорода 26,4 минг сўм, Наманганда 29,2 минг сўм, Қашқадарё ва Сурхондарёда 29-33,2 минг сўм, Тошкент шаҳрида 34 минг сўм.

ЖАҲОН БОЗОРИДА НАРХ ИНДЕКСИНИНГ ЎЗГАРИШИ ТЎҒРИСИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган таҳлилларга асосан, жорий йилнинг апрель ойида дунё бозорида гўшт нархлари индексининг ўртача қиймати 121,6 баллни ташкил этганлигини (бу мартдаги кўрсаткичдан 3,7 балл ёки 3,2 фоиз юқори) ҳамда ўтган йилга нисбатан 5 балл ёки 4,3 фоиз юқори

«ISHONCH»GA JAVOB BERADILAR

Хорижда гўшт ўртача чакана нархи таҳлил қилинди. Хусусан, июнь ойи ҳолатига республикаимизда 1 кг. мол гўшти нархи 8,4 доллар (эквивалент) бўлса, Покистонда 6,5 доллар (биздан 1,9 доллар арзон), Қирғизистонда 7,83 доллар (0,57 доллар), Россияда 8,05 доллар (0,35 доллар), Туркияда 8,05 доллар (0,35 доллар), Озарбайжонда 8,3 доллар (0,12 доллар), Қозғистонда 7,22 доллар (1,2 доллар)ни ташкил этиб, Ўзбекистонга нисбатан арзон нархларда:

Белгияда 13,4 доллар (қиймат), Германияда 24,02 доллар (+15,62 доллар), Саудия Арабистонда 11,9 доллар (+3,5 доллар)ни ташкил этади.

Парранда гўшти нархи 1 кг. учун Ўзбекистонда ўртача 2,26 долларни ташкил этса, Қозғистонда 1,9 доллар (-0,3 доллар арзон), Қирғизистонда 2,15 доллар (-0,13 доллар), Россияда 1,94 доллар (-0,34 доллар) бўлса, Озарбайжонда 3,15 доллар (+0,9 доллар), Тожикистонда 2,36 доллар (+0,10 доллар), Ҳитойда 4,1 доллар (+1,8 доллар)ни ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон дунёнинг мол ва парранда гўштлири энг арзон сотиладиган давлатлари (мол гўшти бўйича 92- ва паррандада 111-қаторларда) қаторларига кирган.

Мамлакатда бугун қорвачилик ва унинг тармоқларидаги стратегик режалаштириш асосидаги ислохотлар туфайли истеъмол бозорида гўшт тақиллиги кузатилаётгани йўқ. Гўшт ишлаб чиқариш талабини тўлиқ таъминлаётган.

Умуман олганда, Ўзбекистонда гўшт нархи минтақавий тенденциялар доирасида сақланиб турибди. Глобал бозор тебранишларига нисбатан барқарорлигини кўрсатмоқда. Бунда мамлакатдаги қорвачилик соҳасини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва бозорни барқарорлаштириш чоралари муҳим ўрин тутмоқда.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мақолага берилган ушбу муносабат билан жавоб қайтарилди ҳисоб. Аммо биз унда муаммоларнинг ечими ҳақида жўяли фикрларни деярли кўрмадик. Фақат рақамлар ва маълумотлар масаланин ҳоҳиятини очиб беролмаган. Шу боис, таҳририят бу мавзуга яна қайтади.

ЭЪЛОН

«ҚЎҚОН ЁҒ-МОЙ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ЁҒ-МОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИНИ ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 27 январдаги 13-сонли баёни 14-банди иқросини таъминлаш мақсадида «Қўқон ёғ-мой» акциядорлик жамияти томонидан ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилишда жамият ҳудудида жойлашган барча бино ишоотлар (объектлар) белгиланган тартибда бузилиши белгиланди.

Шу муносабат билан бузилишдан чиққан яроқли ва ишлатилган ускуналарнинг (Пресс ком. ЕТП-20, Пресс 6-чанли Қозон, Экстрактор НД-1250; НД-1000, Тостир 6-чанли, Дисковий фильтр, ВВП-30; ВВП-15 филтёрлар, Выдуфка аппарат, Розлив аппарат, Доғлаш ускунаси, трансформатор 500:1000, 4-погоналик дистилляторлар) бозор нархида сотиш юзасидан танлов эълон қилинади.

Асбоб ускуналарни сотиб олиш бўйича «Қўқон ёғ-мой» АЖга нарх таклифларини 2025 йил 10 августга қадар ҳафтанин душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача киритиш мумкин.

Манзил: Қўқон шаҳри, Қозғозгарлик кўчаси 1-уй.
Тел.: +99891 690-18-36, +99891 304-20-34.
Электрон почта манзили: kokand_mjk@mail.ru.
Веб-сайт: qiqqonyogmuoy.uz.

... 2025 йил, 2 февраль. «Тошкент – Москва» йўналиши бўйлаб учаётган ҳаво кемасида Бутунроссия давлат кинематография университетининг Тошкент шаҳридаги филиали кинооператорлик йўналиши талабалари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, доцент Ҳамид Ҳасанов бошчилигида «Мосфильм» киностудиясига етиб боришди. Ёшлар машҳур киностудия фаолияти билан яқиндан танишишди. Институт ректори ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан амалга оширилган хориж сафаридан улар мамнун бўлиб қайтишди.



ФАОЛИЯТ

РУҲИЯТ

ҚАЛБ ОҒРИҒИ ВА РУҲ

Инсон руҳияти тушунарсиз. Айниқса, ҳозир одамлар кўп стресс ва депрессияга тушмоқда. Ҳўш, бунга қарши курашиш мумкинми? Стигмани қандай енгса бўлади?

ҲОРҒИНЛИГИ: улар сизни енгмасин

Интернет ва ижтимоий тармоқлар, ҳаддан ортиқ маълумотлар инсон миёсини толиқтириши табиий. Иш билан боғлиқ муаммолар, ишсизлик хавфи, иқтисодий қийинчиликлар, шахсий ва ижтимоий муносабатлар эса стресс манбаи ҳисобланади. Аммо уни бутунлай ёмон ҳолат, деб ҳам бўлмайдми. Чунки у инсонни ҳаракатга келтиради ва масъулиятли бўлишга қўллайди. Фақат стрессни назорат қилиш ва бошқаришни билиш лозим.

руватни кучайтириш керак. Буни, энг аввало, маҳаллалардаги кайовилар, кўпни кўрган фахрийлар ва фаоллар ўрта-сида тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир. Токи улар руҳиятида ўзгариш бор бўлган одамга ақинидек муносабатда бўлсин, касалликдан ҳалос бўлишига ёрдам берсин.

ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ ИМКОНИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ?

Ҳеч ким мустақам тоғ каби бўлолмайди. Қалб оғриғини тан олиш, унга шифо топиши учун ёрдам сўраш – катта куч. Ҳусусан, психолокка мурожаат қилиш ички дунёни асраш учун жиддий ёндашувдир.

Психологик ёрдам турли шаклларида бўлиши мумкин. Аниқроғи, у одамнинг эҳтиёжига қараб танланади. Энг кенг тарқалган ёрдам тури психотерапиядир. Яъни, психолог ёки психиатр билан тўғридан-тўғри ёки онлайн суҳбатлар орқали инсоннинг ҳис-туйғулари, муаммолари, фикрлари ўрганилади. Айрим ҳолларда мутахассис-психиатр томонидан дори-дармон тавсия қилиниши мумкин. Бу ҳолатда психолог ёрдам ва дори билан комплекс терапия олиб борилади.

Қундалик ёзиш ёки шунчаки бир варақча ҳис-туйғуларни тушуриш ҳам онгни юнқалаштиради, дардлар бироз унутилади. Тиниқ уйку ва соғлом овқатланиш мияни тиклайди, кайфиятни барқарорлаштиради. Юриш, енгил маршлар, рақс, спорт – бу нафақат жисм учун, балки руҳ учун ҳам озуқа. Айниқса, спорт билан шуғулланиш вақтида ажраладиган эндорфин табиий «бахт гормони» бўлиб, кайфиятни кўтарди. Шундай қилиб, кимдир зўр психолог қидиради, кимдир бошқа усуллар орқали ўзини топади.

ҚАЛБГА ҲАМ ИММУНИТЕТ КЕРАК

Ҳулоса қилиб айтганда, ҳар бир шахсга уни эшитадиган ва тушунадиган бошқа бир инсон керак. Ёлғизлик сокин бўлишга, ўз-ўзини яхши идора қила олишга ёрдам беради, аммо доимий ёлғизлик руҳий ҳолатни емириши мумкин. Дўстлар, оила, ҳатто, бир давранинг оддий суҳбати ҳам қалбга ором беради. Шунингдек, киши ўзини бошқалар билан солиштиришни бас қилиши, ҳозирда омалашган – виртуал мукамал ҳаётга қўнчинчи шахс томонидан қараш» ни одат қилиши даркор. Бундай «қараш»да кўп нарсалар оидинлашади, ўз ҳато ва камчиликлари ни аққол кўради, нима қилиш кераклигини идрок этади. Унутманг, ижтимоий тармоқлар одамларнинг намоийш саҳнаси – ҳаётнинг эмас.

Яна бир гап. Қалбга иммунитет керак. Соғлом танани сақлаш учун нима қилаётган бўлсангиз, руҳнинг ҳам бунга эҳтиёжи бор. Шундай экан, онгингизни, ҳис-туйғуларингизни, орзу-умидларингизни ҳеч қачон эътиборсиз қолдирманг.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА таъёрлади

КИНЕМАТОГРАФИЯДА ЯНГИ ҚАДАМ

Дарҳақиқат, кино санъатини ривожлантиришга қаратилган бу каби маърифий тадбирлар тез-тез ўтказилади. Россия, Қозғоғистон, Тожикистон, Жанубий Корея ва Беларусь каби давлатлар вакиллари билан ўзбек дўстлиги, тўғри, атласи ва адресини фахрли равишда кийишини айтмайсизми? Бу ўзга миллатларнинг ўзбек халқига ҳурмат-эҳтиромини, Ўзбекистонни ардоқлашдан далолат беради.

– Юртимизда кино санъатининг бой тарихи бор, аммо уни янада бойитиш, ривожлантириш ва дунё миқёсига олиб чиқиш керак, – дейди мазкур олий таълим муассасаси ректори, санъатшунослик бўйича фалсафа доктори, профессор Иқбол Мелиқўзиев. – Президентимизнинг тегишли қарори асосида таълим даргоҳимиз 2021 йил октябрь ойидан ўз фаолиятини бошлади. Филиалда 230 талаба икки факультетда бешта ихтисослик бўйича таълим олмақда. Улар орасида 17 нафар хорижлик йигит-қиз ҳам бор. Муассасамиз дипломи дунёнинг 40 дан ортиқ давлатда тан олинади. У хорижий филиал бўлишига қарамай, аккредитациядан ўтказилмаган эди. Бу эса битирувчи диплом бериш ҳуқуқини чекларди. Уни бекор қилиш мақсадида университетимиз 2024 йил октирида Россия Федерацияси таълим ва фанни назорат қилиш федерал хизмати томонидан халқаро аккредитациядан ўтказилди. Халқаро миқёсдаги диплом берилганими, шунга яраша етук санъат намоёндалари сапохията ва таърибига таянишимиз керак. Москвалик 19 мутахассис каторида нуфузли унвон соҳиб бўлган таниқли ўзбек санъаткорлари филиалимизга жалб этилди. Жорий йил бошида илмий кенгаш ташкил қилиниб, фахрий унвон билан тақдирланган санъат намоёндалари доцентлик, профессорлик даражасига сазовор бўлмоқда. Замонавий ўқув базаси, ижодий муҳит ва халқаро стандартларга мос дастурлар яратилиб, таълим жарағинга таъбиқ этилди. Шубҳа йўқки, ўқув масканимиз ақин ўн илликда кино ва телевидение соҳаси учун кадрлар тайёрловчи энг нуфузли таълим масканларидан бирига айланади.

сидан дарс бераман. Ўқув дастурлари Россия давлати томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган. Ҳар бир талаба билан индивидуал иш олиб борамиз. Ҳозир эсда қолмайдиган, сюжетни саёз, маиший-ахлоқий мавзудаги сериаллар ёмғирдан кейинги кўзқориндек урчиб кетди. Хусусий киностудияларни «тўхташиб» бўлмапти. Майли, ижод майдони кенг, аммо бугунги ўткир дидли томошабинга умуминсоний ва чуқур миллий ғоялар синдирилган фильм тақдим этиш керак. Умид қиламизки, мазкур таълим даргоҳида ўқитган ёшлар ўзбек кино санъатида эътироф этишга арийдиган, мазмуни, таъсиридан, дунё миқёсда тан олинган бадий фильмлар яратадиган мутахассис бўлиб етишади.

ҒОЯНИ ТОПА БИЛИШ КЕРАК

Инсон турли ғоя ва қарашлар қуршо-вида яшайди. Мажозий маънода уларни оқ ва қора рангларга ажратиш мумкин. Оқида яхшилик, қорасида ёмонлик руҳи ҳукмрон. Шахслараро муносабатда ҳар икки ҳолат кузатилиши тўғрисида жидд-жидд асарлар ёзилган, тадқиқотлар олиб боришган, кино ва спектакллар яратилган. Ҳаётини ғоялар кино санъатида кўрсатиб бераётган умидли ёшлардан бири Муниса Магамед мазкур ўқув даргоҳининг кино ва телевидение режиссёрлиги йўналиши бўйича учинчи босқичда таълим олади.

– Бу масканда ўқиш мен учун катта имконият, – дейди у. – Кўндан бери ҳаёлимда «пишитиб» юрган мавзуларимни юзга чиқарганиман. Гарчанд биринчи босқичда тасвирга олиш мумкин бўлмасда, «Скотч» қисқа метражи бадий фильмнинг суратга олиб, 2023 йил Грозний шаҳрида ўтказилган «Золотой витязь» фестивалида бронза медали билан тақдирландим. Атиги беш дақиқалик киноасарда эр-хотиннинг бир-бирини эшитмаслиги фарзанд тарбия-сига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги тасвирланган. Ота-онанинг қақир-қақир, бир-бирини тингламаслиги бу ҳолатни кўзатиб турган қизалоқни йиллатади. Фильм сўзида учала персонаж оғзига скотч ёпиштирилган ҳолда кўрсатилади. Хулоса эса томошабин ҳукмига қўйилган.

Саккиз дақиқалик яна бир ҳужжатли фильм – «Шимолӣ азон»да инсон қай манзил, қай муҳитда яшамасин, ўз эътиқоғида содиқ қолиши ҳақидаги фикр синдирилган. Фильмни суратга олиш учун 30 даража совуқ ҳаво ҳукм сурадиган Арктика минтақасига сафар қилдим. Бу ерда юз йилдан буён ислон динига синунувчилар учун хизмат қилаётган ёғоч масжид бор. Манзилни не бир азобда топиб боришга бордим, унинг имом-хатиби истагимга тамоман қарши чиқди. Тарвузим кўлтигимдан тушди. У киши мендан расмий хат, руҳсатнома сўради. Аммо келишув бунақа бўл-



маганди, ниятим ҳолис ва беғараз эди. Бир чеккада кузатиб турсам, новча, қотмадан келган киши масжиддан ибодат қилиб чиқаётган экан. Саломлашдик, танишдик. У мақсадимни бажондидил қабул қилди. Татар миллатига мансуб бу инсон фильм бош қаҳрамони бўлди. Ҳужжатли киноасар «Arktika open» фестивалида гран-прига сазовор бўлди.

Тобора глобаллашиб бораётган ахборот асрида оммани ҳайратга соладиган, мулоҳазага қорлайдиган, ўзини ўзи тафтиш қилишга ундайдиган асар тақдим этиш қийин. Томошабиннинг ўз тарозиси бор. Ўзбекистон телерадиокорпорациясининг турли каналларида намоийш этилаётган олди-қочди, криминал ёки маиший-ахлоқий мавзудаги эсда қолмайдиган сериаллардан қўра, қисқа дақиқалик бўлса-да, композициясига катта «юк» орттирилган фильмлар тош босиб кетади. Уларга ҳақиқий баҳони томошабин беради. Энг муҳими, Муниса Магамед каби иқтидорли, синчков, мантқий фикрлайдиган ёшлар кинематография соҳасига кириб борса, ўзбек кино санъати гуллаб-яшнаши ва ривожланишига шубҳа йўқ.

МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗА – БИРЛАМЧИ ТАЛАБ

Кўз билан кўриш эшитгандан афзал. Тасаввур қилинг, талаба аудиторияда ҳар қуни назарий машғулотни тингласа-ю, мазмун-моҳиятини чуқур англамас, натижа бўладими? Демак, гап моддий-техник имкониятга бориб тақалади. Бутунроссия давлат кинематография университетининг Тошкент шаҳридаги филиали кейинги бир йил ичида ҳолийлик маблағлари ҳисобига ўз имкониятларини тубдан кенгайтирди.

– Ертула қисмида умумий қиймати 13 500 АҚШ долларига тенг бўлган овоз ёзиш ижодий ўқув студияси очилди, – дейди муассаса раҳбари Иқбол Мелиқўзиев. – Мавжуд ижодий ўқув фотопавильон капитал таъмирланди, замонавий жиҳозлар билан таъмирланди, кондиционер ўрнатилди. Операторлик йўналиши талабалари учун бу кинопавильон махсус камера релъси, оқ ва яшил фон, ёритиш мосламаси билан жиҳозланди. Иккинчи қаватда махсус ўқув-ижодий монтаж ҳонаси очилди, умумий қиймати 10 минг АҚШ долларига тенг бўлган замонавий монтаж компьютеридан беш донаси ишга туширилди. Иккинчи, учинчи қаватларда янги фотокўрама

ташкил қилиниб, ўзбек ва жаҳон киноси «юлдуз»лари сурати билан безатилди. Техник имкониятлар кенгайтириш талаба аҳлини ундан унумли фойдаланиб, мазмуни кино асар яратишга ундайди. Албатта, моддий базани мустақамлаш билан кифояланмаймиз. Истиқболли лойиҳалар устида бош қотиримиз. «Ўзбекфильм» кинокомпанияси билан имзоланган меморандумга мувофиқ, ёлғиз павильонда кинооператорлик йўналиши талабаларининг ижодий курс ишларига махсус декорация қуриш режалаштирилди. 5 донга ижодий курс фоторасқордовкаси тасвирга олиб бўлинди. Ҳар бир ишга 20 миллион сўмдан маблағ сарфланишини инобатга олсак, катта харажатга тушиши мумкин. Кинокомпания раҳбарияти кўмағи билан бу жараён беғараз, яъни текин амалга ошириб беришмоқда. Ишлаб чиқаришда фаолият юритаётган, олий маълумотга эга бўлмаган кадрларни тайёрлаш учун филиалда «Телевидение оператор», «Телережиссёрлик», «Кинорежиссёрлик», «Продюсерлик» йўналишлари бўйича курслар очилди. Маданият, санъат вақилларидан 53 киши бу курсларда таҳсил олмақда. Кадрлар тайёрлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида йиллик 30 миллион сўмлик контракт тўловига эзлик фозис чеғирма бермоқчимиз.

Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдевори яратилмоқда. Бунинг Тошкент шаҳрида Россия билан ҳамкорликда очилган кўллаб олий ўқув юртлари мисолида яққол кўриш мумкин. Айнан кинематография тармоғи учун етук ва малакали кадр тайёрлайдиган университет яқин йилларда юртимизда йўқ эди. Тўғри, Тошкент театр ва расомлик санъати, кейинчалик бир нечта олий ўқув юрти негизидан ташкил қилинган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида тайёрланган кадрларнинг ўз ўрни ва хизмати бор. Дунё миқёсда тан олинган олий ўқув юрти филиалининг мисолида очилиши эса соҳага салоҳиятли, синчков, истеъдодли ва кенг қаровли мутахассис тайёрлаш имкониятини беради.

Хулқар ТўЙМАНОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

БУГУН ТАЛАБА, ЭРТАГА МУТАХАССИС

Абитуриентнинг талабалик имкониятини қўлга киритиши бу – янги давр. Агар у соҳани ўз хоҳиш-иродаси, қалб амири билан танлаган бўлса, устозлари берган сабоқ унга умр бўйи асқатади. Таълим масканида эл назарига тушган санъаткорлар сабоқ бермоқда. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, бой ижодий мактаб яратиб, тўллаган таърибаларини мирдан сирингача талаба ақли билан баҳам кўраётганига гувоҳ бўласиз. Еркин образлари билан ўзбек кино санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган таниқли актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Саъдуллаев шундай дейди:

– Оператор, режиссёр, актёр ва продюсер бўламан, деган ёшлар шу муассасадан ўқиса, албатта, мақсадига эришади. Қисқа муддат ичида бўлгуси мутахассис ўз соҳасини мукаммал эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Талаба ўқув аудиториясида санъат намоёндаларидан мазмуни маъруза тинглайди, амалий кўникмани овоз ёзиш студияси, тасвирга олиш аппаратлари ўрнатилган лабораторияда эгаллайди. Мен иккинчи, учинчи босқич талабаларига «Актёрлик маҳорати» ўқув кур-



Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Зайнаб Худойёрова ижросида «АНОР» қўшиғи



Қизил анорлар узилди, Ширалари сузилди, Шарбатини сизга илиндим, Юраккиман эзилди.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYA (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-90) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'on viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulruhbegim ODASHBOYEVA

Musahhih: Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqt - 00:00, Topshirildi - 01:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch.1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlari chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 083 ta

Shunday 6 086 nusxa «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxa «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 881 nusxa «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: 316

1 2 3 4 5 6